



CHIRCHIQ DAVLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,  
FAN VA INOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI  
GUMANITAR FANLAR FAKULTETI  
FAKULTETLARARO IJTIMOIY FANLAR KAFEDRASI

**FALSAFA VA E'TIQOD:  
O'TMISH, BUGUN VA KELAJAK  
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya  
MATERIALLARI**



23-24-aprel, 2025

## АСҚАР МАҲКАМ ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ОҲАНГЛАР

Гуландом Тоғаева,  
ЧДПУ Гуманитар фанлар факультети  
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада ўзбек халқининг севимли шоири Асқар Маҳкам ижоди ва унинг тасаввуфий қарашлари, унинг ижодига хос бадиий хусусиятлар ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ишқ, тасаввуф, иймон, бадиий воситалар, инсон, жаннат, тавба, тарбия, маънавият, маърифат

### ANNOTATION:

The article talks about the work of Askar Mahkam, the favorite poet of the Uzbek people, his mystical views, artistic features of his work.

**Keywords:** love, mysticism, faith, artistic tools, man, heaven, repentance, education, spirituality, enlightenment

Бадиий ижоддан мақсад – инсон руҳиятини таҳлил ва талқин қилиш, бу жараёнга эса ҳар бир ижодкор ўзига хос ёндашади. Яъни бунда миллий менталитет, қаҳрамон мансуб бўлган халқнинг турмуш тарзи, анъаналари, ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзи ва услуби, ижодий манераси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Асқар Маҳкам шеъриятида орифона майл кучлилиги, Куръони Карим ва Ҳадиси шарифда улуғланган эзгу фазилатлар баланд овозда куйланади. Шоир учун Ҳақ, она, Ватан, Комил инсон, кўнгил, сўз, ишқ, иймон, шеърият каби улуғвор жаранглайдиган, “калимаси тилга оғир келмайдиган” мавзулар борки, ҳар қанча куйлашса чарчашмайди. Аксинча, гулга ошиқ бўлган Булбул каби тинмай қаламларидан “жўшиб” шеър майдонга келади...

Эй, ҳушёрлар, мен-да нажиб куй эдим,  
Гоҳ мотамугоҳ жаноза, гоҳ тўй эдим.  
Шоядки бу бандани-да ёд айласангиз,  
Мен шоир эмас, шунчаки ростгўй эдим... -

дея ёзғиради Асқар Маҳкам. Шоир Абдулла Орипов тилга олган “учинчи одам” и ҳамма жойда ҳозиру нозир.(“Сенга инсоф берсин, учинчи одам!”). Шоир зотига келган изтироблар аввало, ўзларининг эмас, ўзгаларнинг ғами ва қайғусидан келади. Ўз элинин, маҳалла-кўйини севиш, борлик, табиат ва набототни севиш-ардоқлаш, ҳар бир кўзга кўринган, аён ва ноаён борлиқдан маъно ва ҳикмат излаш ҳар икки шоирга хос жиҳатлардир. Асқар Маҳкам

ижодида куз, ой, япроқлар, девор, қилич, ёмғир каби шоирона образлар кўп учрайди. Шоир табиат тилмочи каби ҳар бир заррада ҳикмат кўради, унинг қалб кўзлари шунчалик равшанки,

Яна бўм-бўш ўзанларда хаёл кезса, мени ёд эт,

Яна ёмғирли боғларда шамол эсса, мени ёд эт.

....Тун-оқшом сарғариб ой бир ғарибдай тентирав танҳо,

Булутлар қаърида ул қоматин эгса, мени ёд эт.

Шоир Асқар Маҳкамнинг қаҳрамони теран фикрлагувчи, ўзига хос мунглиф нафасли табиатга эга. Унинг феъли-авторида ўйчанлик, вазминлик, кенглик хос. Асқар Маҳкам шеъриятини одатдаги шеърдай, шунчаки ўқиб бўлмайди. Чунки улар анъанавий шеърлар эмас. Улар Қуръон ва ҳадис илмини ўзлаштириш, мумтоз ўзбек ва тожик ҳамда жаҳон адабиётини ўрганиш, шеърият қонунияти ҳақидаги билимларни онгга чуқур сингдириш асосида юзага келган шеъриятдир. [1.1998]. Бу ҳақида Саййид Неъматтуллоҳ Иброҳим шундай ёзади: “Асқар Маҳкам яратган асарлари бу биз кўниккан шеърият эмас. Бу шеъриятни маҳсус лисоний, руҳий-маърифий тайёргарликсиз ўқиб, ўрганиб бўлмайди. У ёзар экан, авомни эмас, бадият мактабини ўтаган хослар ва хос эл, хослар муҳитини назарда тутиб ёзади”.[3.14] Ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Унинг шеъриятини ирфоний ва дунёвий билимларни чуқур ўзлаштирумасдан, тасаввуф таълимоти хусусида теран илмга эга бўлмасдан туриб, ижоди моҳиятини очиб бўлмайди. Негаки унинг шеърга солган ҳар бир сўзида фалсафа яширинган.

Шоирнинг оламга муносабатини акс эттирувчи фалсафий шеърларининг лирик қаҳрамони Ҳақ ва ҳақиқат, иймон ва инсоф учун курашувчи инсондир.

Ким жомада, ким жандада, тан-тўрт унсур,

“Ўлдир” деди авлиё “нафсни ўлдир!..”

Эй қаср қуриб, кулбада жон берганлар,

Дунёда ҳақиқат бор эса-ул шулдир .

“Асқар Маҳкам изланишнинг бу босқичида мусулмон адабиётининг улуғ пийрлари Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий ва Муҳаммад Иқболга руҳан шогирд тушди. Унинг дунёвий илм ва фалсафа талошида муаллақ қолган қалбига бу уч аллома каломидаги илохий нур тажаллий берди.” :

Иймонни бугун ахтаришар Маккада ҳам,

Инсофни ахтарарлар маъракада ҳам.

Ҳар иккисини қайдалигини билмаслар

Шу биргина ўй майдада ҳам, каттада ҳам.[4.84]

Иймоннинг биринчи асосларидан бири Аллоҳга ишониш ва унинг ягона эканлигига шубҳа қилмасликдир. Шоир Асқар Маҳкам иймоннинг асосларини

бутун умри давомида маҳкам тутди, шундан “қаттиқ иймон шоири” дея эътироф этилди. Сабаби шоирнинг ўзи ҳаётда ҳақиқатпарааст эди. Балки шу сабаб унинг шеърлари, достонлари ёки қиссалари деймизми, барчасида ҳақиқат садолари барадла янграгандир.

Асқар Маҳкам ижодидаги сўзларнинг ўзгача бир таъсир кучи, жони бор дейиш мумкин. “Табриз дафтари” ёки “Аналҳақ” китобини ўқиган китобхон буни дарров фаҳмлайди. Шоир шеърда “талмех” санъатидан фойдаланиб, сўзниң ҳозирги аҳволини хаста Айюб пайғамбар (а.с.)га ўхшатади, шахсий манфаатлар тобора қучайиб, инсон ўзлигини унутиб қўяётганини, “сўз” эса ўз таъсирини йўқотган; энди фақат кишиларнинг манфаат ва эҳтиёжлари йўлида хизмат қилаётган оддий муомала воситасига айланиб бораётганидан сўзлайди. Ва:

Менга гуллар шивирлар гирён:

“Бугун шеъринг кимга ҳам керак!..” – дея афсусланади.

Чунки назм ва наср бაъзи эркин “ижодкорлар” томонидан эпласа бўладиган санъат турига, оддий қизиқиши ёки хусусий тижорат йўлига айланиб бораётганидан, улар таъсирида эса адабиёт оламида сўзниң қадрсизланиши кишилар учун илм-маърифат бера олмаяпти. Балки, шу сабабдан камдан кам кишилар китобларга, замонавий назм ва насрга эътибор беришади. Шоир эса ҳамиша ёниқ сўз тарафдори бўлиб келган. Шу боисдан Жалолиддин Румийни ўзига маънавий устоз ва раҳнамо деб ҳисоблаган Асқар шоирнинг шеърияти одатий шеър услуби эмас. Уни англаш учун катта руҳий ва маърифий тайёргарлик керак. Чунки, у ирфон руҳида қалам тебратган, форс ва турк тасаввуф алломалар изидан бориб, улардан ўзига қувват ола билган ижодкордир.

Унинг лирик қаҳрамони бирда “мен”, бирда “ўзга” тилидан сўзлайди. Шу туфайли гоҳ автопсихологик, гоҳ ижровий лириканинг такрорланмас намуналари юзага келади. Шоирнинг шеърлари шунчаки ирфоний эмас. Агар теран нигоҳ ташласак, бу шеърлар замирида ҳикмат ва ибрат дунёсини кўра олишимиз мумкин. Ана шундай олий хусусиятлар ижодкор қўллаган Шеърий санъатлар орқали янада жило топиб, Асқар Маҳкам поэтикасининг нақадар бетакрор экнилигидан дарак беради, десак муболаға бўлмайди.

Инсоннинг руҳий рағбати заифлашса, моддий рағбати кучаяди. Бу эса емиш орқасидан тушишга олиб келади. “Нон деганлар” моддиятга эҳтиёжи кучайган шахслар. “Бечоралик” эса дунё ноз-неъматларидан воз кечиб, руҳни бойитишдир. Руҳий бойиган инсон маънавият ва маърифат сultonидир. “Масих” талмехи орқали Исо пайғамбар ёдга олинади. У ўз нафаси билан ўлганларни тирилтириш, жон бағишлиш қобилиятига эга. У учун бегона,

дushman инсон йўқ. У ҳаммани бирдай севади. Лаблар ҳаётбахш мўъжизадир. Шоирнинг бўса десам қон дедилар дейиши шунга ишорадир. Чунки қон ҳаёт рамзидир.

Уларнинг ижодий такомилида шарқ шеърияти асоий манба саналади. Улар томонидан ёзилган мисраларда Навоийлар, Бедиллар, Ҳофиз Шерозийлар, Маҳтумқулиларнинг навозиши бор. Уларнинг сув ишган дарёлари битта-Ҳақнинг пок нахри уммони. Асқар Маҳкамнинг “Таважжух” достони қаҳрамони ҳам ишққа жуда юксак баҳо беради. Муҳаббатсизлик ҳамма ёмонликнинг боши, деб ҳисблайди:

Бунда шоир такрир санъатидан унумли фойдаланади:

Куюк бир жон эдим, жону жаҳоним ўртади Ишқ, Ишқ,  
Сўнгаклар сирқираб сингайки, қоним ўртади Ишқ, Ишқ.

Қиличлар тифида қон ўрнида чаҳ-чаҳлади булбул,  
Ёниб жон хокидан ақлу имоним ўртади Ишқ, Ишқ.

Ёки у бир ўринда шундай дейди:

Эй, оқилу девона, магарким борсиз,  
Шоядки ғаний, балки жуда ночорсиз.  
Ошиқ ўлинг, ошиқ ўлинг, ошиқ ўлингиз,  
Гулзор-буғун, эртасига-мозорсиз.

Асқар Маҳкамни илк бор элга танитган шеърлардан бири мана бу шеъри бўлган бўлса, ажаб эмас:

Бизни танлаганда ёрлар адашди  
Илкимиз тутганда хорлар адашди.  
Сўраб келсак бир кун молин берар деб  
Ўзимиз зормиз-у зорлар адашди.  
Кулбамизга аранг сиғар бошимиз  
Даргоҳи кенг дея торлар адашди.  
Даштда Ҳусайн каби ҳолимиз хароб  
Бизлар миниб келган норлар адашди.  
Дунёсига келиб нима ҳам қилдик  
Биз телбамиз... эси борлар адашди...-

Асқар Маҳкам шеъриятида аччиқ сарказм, нодир бир кайфиятдаги мунг ҳукмрон. Бу мунгни теран англаб етмоқ учун ўқувчининг маънавий олами, қалб ҳазинаси бой бўлиши, аввало, ўқувчи бу мутолаага ўзига хос тайёргарлик кўриши керак.

Шоирнинг истиқлолнинг дастлабки даврларида яратилган диний маърифий руҳдаги “Ишқ” шеърий қиссаси мазмунан диний маърифий руҳда ёзилганлиги боисидан, уни эътибордан четда қолдира олмадик. “Ишқ” шеърий

қиссаси ҳам мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақида сўз юритилади. Ишқсиз одамнинг қиёфаси ҳамда қисмати инкишоф қилинади. Достон полифоник характерга эга. Қисса таҳлили орқали шоир маҳорати очилиб бораверади. адабиётшунослигимизнинг отаси Иззат Султон фикрига кўра, “шеърий шаклда ёзилган ҳар қандай асар шеър номи билан аталади”[5.266]. Асар мазмунан Одам Ато ва Момо Ҳавонинг, умуман, инсониятнинг дунё яратилгандан буён кечирган ҳаёти, дунёниг бебақолиги ва инсон ишқнинг юксак даражаларига етишиши ҳақида. Шоир, дастлаб, кирланган дунёни тасвирлайди. “Оқибатсиз кунлар”, “Диёнатсиз кунлар” иборасини қўллаш орқали инсоннинг қора ишларини баён қиласди. Унда қўлланган бадиий такрорлар, аллитерациялар, талмехлар қисса бадиияти етуклигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

“Ишқ” шеърий қиссасидаги шоирнинг бадиий маҳорати шундаки, шоир поетик нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида бадиий такрорлардан унумли фойдаланган. Қуйидаги мисраларда бир йўла икки такрор қўлланган:

Момо Ҳаво, Момо Ҳаво  
Беҳиштидан қувилгач сўнг  
Зору нолон, зору нолон  
Замин узра ёлғиз колган  
Момо Ҳаво, Момо Ҳаво .

Шоир шеърда “Момо Ҳаво”, “зору нолон” такрорлари воситасида Азозилга ишониб “Беҳиштидан қувилгач”, “Замин узра ёлғиз колган” Момо Ҳавонинг забун аҳволи тасвирини беради.

Асқар Маҳкам ижоди улкан уммон ва бетакрор жозибадан иборат. Уни қанчалик тадқиқ қилмайлик бу хазина чашмаси сира тугамайди. Ҳатто бир байтнинг устида соатлаб фикр алмашиш мумкин. Чунки унда маърифат(ирфон) дунёси яшайди.

Шеърларидаги кескир қарашлар, ширин ва баъзан аччиқ сўзлар кўп қатламли ифода ва маъно қирраларини кашф этади. Яъни, у ясама сўз термайди, ҳижрон деганида, ўқувчини ҳам қўшиб ёндиради. Ишқ деганида, ўзгалар ҳам ошиқ бўлади, шоир надомат чекканида, ўқувчи ҳам қўшилиб, ўша руҳий ҳолга беихтиёр туша олади. Шундан билиш мумкинки, Асқар Маҳкам Ҳақ йўлида ҳақиқатни куйлаб ўтган йирик шоирлардан бири бўлган. Унинг ижодидан баҳра олган қалб эса, ҳамиша осудаликда, шоир дунёсида у билан бирга яшайди

## REFERENCES

- 1.Асқар Маҳкам. Ҳақ. Сайланма.-Душанбе.: Адиб, 199
- 2.Асқар Маҳкам. Ҳақ. Сайланма.-Душанбе.: Адиб, 1998Асқар Маҳкам. Ҳақ. Сайланма. Душанбе. "Адиб", 1998.В-14.

3. Маҳкам, Асқар. Ваҳдат куйи. – Т.: “Нурафшон бизнес”. 2021. –Б.84.
4. А. Маҳкам. Ҳақ. Адиб. Душанбе. 1998.
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1986. - Б.266.

**CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ**

123. Koshanova, N. SHARQ VA G'ARB: MADANIYATLARARO TAFOVUT, TA'SIR VA INTEGRATSIYA. <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15623685">https://doi.org/10.5281/zenodo.15623685</a>	730
124. Юсупова, Ф. М. ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ. <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15623694">https://doi.org/10.5281/zenodo.15623694</a>	737
125. G. T. Komilova PSIXOLINGVISTIK TADQIQOTLARNING AHAMIYATI <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15623694">https://doi.org/10.5281/zenodo.15623694</a>	740
126. Эргашев У.А., ДИНИЙ ОМИЛНИНГ ЁШЛАР ЭЪТИҚОДИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628314">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628314</a>	744
127. G'.Z. Abduraxmonov, JAMIYATNING G'OYAVIY BIRLASHUVIDA DUNYOVIYLIK HAMDA DINIYLIK MUVOZANATINI TA'MINLASHNING ASOSIY SHART VA OMILLARI <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628318">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628318</a>	750
126. М.С.Ўринбоева ИНСОНИЯТ АХЛОҚИ ВА ЭЪТИҚОДИННИНГ ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТГА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628320">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628320</a>	754
127. А.М., Умурзақов ЁШЛАР ЭЪТИҚОДИДА СОДИР БўЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ ВА ДИНИЙ-МАЊИВИЙ ОМИЛЛАРИ <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628329">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628329</a>	758
128. D. D. Qoraboyeva, N. A. Aliyev TOLERANTLIK VA MILLATLARARO TOTUVLIK – TARAQQIYOT OMILI <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628342">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628342</a>	763
129. A.M. To'rayev.TALABALARNI TADQIQOTCHILIK FAOLIYATIGA JALB QILISHDA XALQARO TA'LIM BOZORLARINING O'RNI <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628342">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628342</a>	769
130. М.М. Ибрагимова SOG'LOM AVLOD TARBIYALASHDA XALQ O`YINLARINING AHAMIYATI <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628320">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628320</a>	773
131. M.Q.Mengdobilova "TARBIYA" FANI BARKAMOL AVLODNI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM OMILI SIFATIDA. <a href="https://doi.org/10.5281/zenodo.15628329">https://doi.org/10.5281/zenodo.15628329</a>	778
132. Г.Тоғаева АСҚАР МАҲҚАМ ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ОҲАНГЛАР	785
133. N.J. Norov THE CONTEMPORARY SIGNIFICANCE OF THE MORAL PHILOSOPHY OF HUSAYN VOIZ KASHIFI	791